XALQ DEPUTATLARI URGANCH SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

220100, Urganch shahri, Abulg'ozi Bahodirxon ko'chasi, 186-uy, telefon: (62)228-65-46

36-137 -son

21 - aprel 2021-yil

Урганч шаҳридаги янги кўчаларга ном бериш хақида

Хоразм вилояти хокимлиги хузуридаги География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2020 йил 1 декабрдаги 4-5370-сонли мурожаатномаси ва унда қайд этилган Урганч шаҳар комиссиясининг 2 та янги кўчани номлаш бўйича таклифлари вилоят комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилинган.

Ўзбекистон Республикаси "География объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни ва 2020 йил 24 июлдаги География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг йиғилиш баёни ва бу юзадан эксперт хулосасини кўриб чиқиб Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг йиғилиш баёни ва бу юзадан эксперт хулосаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур йиғилиш баёни ва бу юзадан эксперт хулосасига мувофиқ:

- "Байналминалчи" маҳалласидаги 172-квартал "Омад";
- "Машъал" маҳалласидаги 176-квартал "Истиқбол" кўчаси деб номлансин.

3. "Байналминалчи", "Машъал" маҳалла фуқаролар йиғини раислари:

- бир хафта муддатда ўзларининг хужжатларига мазкур қарордан келиб чиққан холда, тегишли ўзгартиришлар киритилишини;

- 10 кун муддатда ушбу қарордан нусхаларни шаҳар ИИО ФМБ, шаҳар статистика бўлимига ва бошқа мутасаддиларга етказилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарор расмий нашрларда эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириши белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Матякубов ҳамда Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда экология бўйича доимий комиссия зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **О.Холбоев**